



“МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

(05.06.2024 йилдаги ЎРҚ-931-сон, Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.)

Қонуннинг мақсади:

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.



Қонуннинг амал қилиш соҳаси:

1

давлат органларига ва
маҳаллий давлат
ҳокимияти органлари,
давлат муассалари

2

давлат унитар корхоналари

3

ўз устав фондида (устав
капиталида) давлат
ташкilotларнинг улуши жами
50 фоиз миқдорда ва ундан
ортиқ бўлган юридик шахслар
(давлат харидлари соҳасидаги
муносабатлари);

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Манфаатлар тўқнашуви — манфаатлар тўқнашуви - шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (**мавжуд манфаатлар тўқнашуви**) ёки юзага келиши мумкин бўлган (**эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви**) вазият;

Шахсий манфаатдорлик — давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик;

яқин қариндошлар — ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

ҚУЙИДАГИ ШАХСЛАР ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ ЁКИ
БОШҚА ТАШКИЛОТНИНГ ХОДИМИГА
АЛОҚАДОР ШАХСЛАР ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ:



ходимнинг яқин қариндошлари

ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс

ходим ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилот назорати остидаги ташкилотдан ёки унинг таркибий бўлинмасидан ишга қабул қилиш тўғрисида таклифлар келиб тушганлиги ҳолати ҳақида **бир иш куни ичида хабар бериши;**

2

бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган **манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши;**

3

мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини (ташкилот раҳбари — юқори турувчи раҳбарни) ёки **махсус бўлинмани хабардор қилиши;**

4

ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини **кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбурламаслиги;**

5

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) **ёки қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.**

Қонун билан
давлат органининг
ёки бошқа
ташкilotнинг
ходимларига
қуйидагилар
таъқиқланмоқда:

манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этишда,
декларация ва хабарномаларни тақдим қилишда
маълумотларни яшириш ёхуд била туриб ёлғон ёки **нотўғри**
ахборот тақдим этиш;

бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг
назоратидаги ташкilotларда ўриндошлик бўйича ишлашга
*(яъни Марказий банк назоратидаги ташкilotларда (банклар, нобанк
кредит ташкilotлари, тўлов ташкilotларида);*

тижорат ташкilotларининг **таъсисчиси (акциядори,**
иштирокчиси) бўлиш *(Марказий банк назоратида бўлган
тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав
фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгаллик қилиш);*

ўзи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган **ташкilotнинг**
мол-мулкани сотиб олиш ёки **ижарага олиш.**

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш



Ўзбекистон Республикасининг **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги **махсус ваколатли давлат органидир.**

Давлат ташкилоти ходими томонидан ушбу Қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат ушбу давлат ташкилотидан тузилган **одоб-ахлоқ комиссияси** томонидан амалга оширилади

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича **махсус бўлинма** – давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг **коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари** (ва) ёки кадрлар бўлинмалари

Одоб-ахлоқ комиссиясининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

- давлат ташкилоти ходими томонидан ушбу Қонунда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш **чораларини кўради;**
- ушбу Қонунда белгиланган талабларнинг давлат ташкилоти ходимлари томонидан бузилишлари мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида **хизмат текшируви натижаларига кўра хулоса чиқаради;**
- манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар қилмаган, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этган ёхуд бундай ахборотни яширган ходимни жавобгарликка тортиш ҳақида давлат органининг ёки **бошқа ташкилотнинг раҳбарига таклиф киритади.**
- Давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг одоб-ахлоқ комиссияси мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари тўғрисида ҳар ярим йилда хулоса қабул қилади ҳамда уларни тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилигини (тўғрилигини) кўриб чиқади.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ходимлар томонидан ошкор этиш **2** шаклда амалга оширилади:

мавжуд манфаатлар
тўқнашуви тўғрисида
хабарнома бериш;

01

эҳтимолий манфаатлар
тўқнашуви тўғрисидаги
декларация тўлдириш.

02

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бераётган давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг **фамилияси**, исми, отасининг исми ва **лавозими**, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
- давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган яқин қариндошининг **фамилияси**, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
- мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот.
- Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларни ўз ичига олиши, давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг ва (ёки) унинг бевосита раҳбарининг (айрим ҳолларда, унинг ўринбосарининг) ўз қўли билан қўйилган **имзоси** ёки **электрон рақамли имзоси** билан тасдиқланиши керак.

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани тақдим этиш тартиби

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими қуйидаги ҳолларда мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолган пайдан эътиборан 1 иш куни ичида мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги белгиланган шаклдаги хабарномани тўлдириши ва ўзининг бевосита раҳбарига ёки махсус бўлинмага **тақдим этиши шарт.**

яқин қариндошлари бевосита ходимнинг бўйсунувидаги ишга қабул қилинган бўлса ёки ходимнинг ишига фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ўзига алоқадор шахслар жалб этилган бўлса;

у ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этаётган бўлса;

яқин қариндоши текширув ўтказилаётган объектда (юримдик шахсда) текширув йўналиши бўйича масъул мансабдор шахс сифатида ишлаётган бўлса ёки мазкур текширув объекти (юримдик шахс) унга алоқадор шахс бўлса;

бошқа ҳар қандай мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолса.

Манфаатлар тўқнашуви
тўғрисидаги
маълумотлар
қуйидагича декларация
қилинади:

ДАСТЛАБКИ ДЕКЛАРАЦИЯ (*бўш иш ўринларига
номзодларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозим
ўзгартирилиши (ротация) вақтида*)

ЙИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯ (*барча ходимлар
томонидан ҳар йили бир марта*)

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ДЕКЛАРАЦИЯ (*аввал
ошкор этилмаган манфаатлар тўқнашуви юзага
келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган
вақтда*)

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- ходим **лавозими** ҳамда унинг **фамилияси**, исми, отасининг исми, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами
- ходим **яқин қариндошларининг фамилияси**, исми ва отасининг исми, уларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда), шунингдек иш жойи ва лавозими
- ходим ёки унинг яқин қариндошлари **акциядор бўлган акциядорлик жамиятининг расмий номи** ва унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами
- ходимнинг яқин қариндоши муассис (иштирокчи), **бошқарув органи аъзоси бўлган юридик шахснинг расмий номи**, шунингдек унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами
- Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими шахсга доир маълумотлари ўзгарган тақдирда, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириши ва ҳар йили **15 январдан** кечиктирмай махсус бўлинмага тақдим этиши керак.

Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш қуйидаги манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш орқали амалга оширилади:

- Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациядан;
- Давлат харидлари жараёнида олинган таклифлардан, харид комиссияси мажлисларининг баённомаларидан, тузилган шартномалардан;
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фаолиятидаги мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги мурожаатларидан ёки хабарларидан;
- Тижорат ташкилотларининг аффилланган шахслари ва якуний наф олувчилари (бенефициарлари) рўйхатларидан;
- Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш модулидан;

Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш қуйидаги манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш орқали амалга оширилади:

- «ФХДЁ Ягона электрон архиви» ахборот тизимидан;
- «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро аппарат-дастурий мажмуидан;
- Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан;
- Махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимномадан.
- Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари улар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва ўрганиш орқали аниқланади.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРАЛАРИ

- бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувиغا ўтказиш;

- ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриш;

- ходимга бериладиган имтиёзлар бўйича жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

- қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимни четлаштириш;

- ходимни маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланишини чеклаш;

- ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтказиш.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик



Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бермаслик БҲМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

Агар ушбу ҳуқуқбузарлик 1 йил давомида такроран содир этилса, БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима қўлланилади

Мансабдор шахслар томонидан мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўрмаганлик БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

Агар ушбу ҳуқуқбузарлик 1 йил давомида такроран содир этилса, БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима қўлланилишига сабаб бўлади

Ушбу ҳуқуқбузарликлар **давлат харидлари соҳасида содир этилса**, мансабдор шахсларга **БҲМнинг 20 бараваридан 30 бараваригача** миқдорда жарима қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 24 сентябрдаги 21/8-сонли қарори билан тасдиқланган «Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисида»ги Низомнинг 14-бандига кўра ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар белгиланган.

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш учун ходим қарор чиқаришдан аввал ёки хизмат ваколатларини амалга оширишдан олдин ўзига қуйидаги саволарни бериши лозим:

1. “Мен виждонан ва холисона қарор қабул қила оламанми?”
2. “Агар ушбу қарорни ташкилотнинг бошқа ходими қабул қилса, менинг фикримга ўхшаш фикрга келармиди?”

Агар ходим иккита саволлардан бирига “йўқ” деб жавоб берса:
- манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши хавфи мавжуд бўлади.

Манфаатлар тўқнашуви юзасидан саволлар ва маслаҳатлар олиш учун Марказий банкнинг Комплаенс-назорат ва ички аудит департаментига қуйидаги **алоқа каналлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин**



cbu.anticor@cbu.uz




https://t.me/Cbanticor_bot



cbu.uz/oz/anti-corruption/send/



(998 71) 212-73-83



ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!